

ШАРТНОМА № 5
(Озик овкат маҳсулотлари сотиб олиш)

10 01 2022 йил

Тошлоқ тумани

«Toshloq Zamin Savdo» МЧЖ раҳбари Н.Турдиев биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат килувчи, иккинчи томондан

Тошлоқ тумани Мактабгача таълим бўлими номидан унинг раҳбари в/б Г.Абдусаматова

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Харидор» деб юритилади ва куйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли булган маҳсулотларни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	БУҒДОЙ УНИ (махаллий, 1 нав)	КГ	45	3 700	166 500
2	ВЕРМИШЕЛЬ	КГ	10	9 000	90 000
3	МАННИЙ ЁРМАСИ	Кг	15	10 500	157 500
4	МАКАРОН	Кг	10	9 000	90 000
5	ПЕРЛОВКА	Кг	10	5 500	55 000
6	ШАКАР	Кг	50	10 000	500 000
7	ПЕЧЕНЬЕ (турли)	Кг	5	19 000	95 000
8	САРИЁГ	Кг	43	38 000	1 634 000
9	ЎСИМЛИК ЁГИ	Литр	29	21 000	609 000
10	ПИШЛОҚ	Кг	19	35 000	665 000
11	ТОВУҚ ГЎШТИ	кг	20	31 000	620 000
12	ТУХУМ (1 тоифа)	Дона	1 140	1 300	1 482 000
13	КАРАМ (ЯНГИ)	Кг	20	7 500	150 000
14	ТУРП	Кг	10	3 000	30 000
15	ЛАВЛАГИ (ҚИЗИЛЧА)	Кг	10	3 500	35 000
16	ТОМАТ	Кг	20	19 000	380 000
17	ОЛМА	Кг	100	11 000	1 100 000
18	МАНДАРИН	КГ	30	18 000	540 000
19	БАНАН	КГ	50	21 000	1 050 000
20	ҚУРУҚ МЕВАЛАР	Кг	50	25 000	1 250 000
	ЖАМИ:	Х	Х	Х	10 699 000

2.2 Товар(хизмат)ларнинг шартномавий умумий баҳоси 10 699 000 (Ўн миллион олти юзи тўқсон тўққиз минг) сўм.

III. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдориди, яъни 3 209 700 сумни аванс тарикасида шартнома тулик кучга кирган кундан бошлаб 25 банк иш куни мобайнида ва колган 70% миқдорини счет фактурага асосан маҳсулот етказиб берилгандан сўнг пул маблагини утказиш йули билан тўловни амалга оширади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 10(ун)кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. Ҳўжалик шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари

6. Ҳўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослангандан ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Ҳўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги туғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли булмаган маҳсулотларни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган маҳсулотларни баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган маҳсулотларни келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу туғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йул қуйилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдориди «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги маҳсулотларни етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20% миқдориди жарима тулашига сабаб бўлади.

8.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдорига «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ булмаслиги лозим.

8.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга қура ва енгиб булмас қуч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулоқда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

9.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган қуч I ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш еки қушимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан хал қилинади. Узаро қелишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг узаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабргача 2(икки) нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик булинмасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилганидан сўнг қонуний қучга қиради.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Сотувчи”

“Toshloq Zamin Savdo” МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Ташлоқ шаҳарча Гулустон

кўча 38-уй

X/p:20208000300911499001

АТ“САВДОГАРБАНК” Фарғона

шаҳар филиали МФО:00500

ИНН: 305706833

ОКОНХ:71280



Рахбар:

Н.Турдиев

“Харидор”

Ташлоқ Мактабгача таълим бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Ташлоқ шаҳарчаси

Тел./Факс: 238-42-07

Шхр:100022860302277091100251001

ИНН 305153709 ОКОНХ 92400

Ташлоқ туман газначилик булинмаси
МФО 00014

X/P: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент

шаҳар АҚМ

СТИР:201122919

Рахбар:

Г.Абдусомадова

(имзо)

